

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

У.Ахмедова

Умумлашган ҳосила асосида функциялар тригонометрик ёйилмасининг ягоналиги 6

КИМЁ

Г.Рахматова, М.Курбанов, М.Рузибоев

1-тиаиндан, 1-тиохроман ва уларнинг ҳосилаларини диациллаш реакцияларини ўрганиш ва синтезлаш 11

Ф.Юсупов, А.Кўчаров, М.Маманазаров, С.Халилов, Р.Тошибобоева

Қўнғир кўмири бойитишга турли факторларнинг таъсирини ўрганиш, физик-механик параметрларни ва турли шароитларга бардошлилигини аниқлаш 15

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

З.Жабборов, И.Мамажанов

Саноат ифлосланиши экологияси 20

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Н.Ҳакимов, Ш.Зулфиқаров, А.Абдумаликов

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари 26

М.Назаров

Илмий-техник ижодиётда шубҳа тамоили ва танқидий қараш 33

Ш.Аббосова

Янгиланаётган Ўзбекистон, жамиятнинг демократлашуви ва шахс эркинлиги 37

Б.Ғаниев

Ўзбекистондаги трансформацион жараёнлар даврида тадбиркорлик масаласини илмий-методологик ва фалсафий тадқиқ этиш зарурати 41

ТАРИХ

У.Абдуллаев, М.Ғозиев

Фарғона водийси халқларида от билан боғлиқ эътиқодий қарашлар 45

Э.Ғуломов

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизимининг шаклланиши (1991-2000 йиллар) 49

Ў.Хошимов

Олий таълимдан кейинги таълим соҳасидаги ўзгаришлар ва муаммолар (Фарғона водийси вилоятлари мисолида) 55

Н.Кенжаева

XX асрнинг 30-йилларида Помир ва унга туташ минтақаларда амалга оширилган илмий экспедицияларнинг комплекс тадқиқот фаолиятига доир: аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари 60

С.Рахматуллаева

Фарғона водийсида экологик вазиятнинг оналар ва болалар саломатлигига салбий таъсири ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари юзасидан айрим мулоҳазалар (1950-1994 йиллар мисолида) 66

О.Кличев

Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларда совға алмашинув тартиблари 70

О.Пуговкина

Устоз ва унинг шогирди: В.В. Бартольд ва Н.С.Ликошин 74

Г.Рахимова

Қашқадарё вилоятидаги саноат корхоналарининг экологик ҳолатга салбий таъсири 79

(Тақризчи: *М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор*).

ТАРИХ

УДК: 94(5)

ХХ АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА ПОМИР ВА УНГА ТУТАШ МИНТАҚАЛАРДА АМАЛГА
ОШИРИЛГАН ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРНИНГ КОМПЛЕКС ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИГА
ДОИР: АҲАМИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

К КОМПЛЕКСНОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НАУЧНЫХ ЭКСПЕДИЦИЙ
НА ПАМИР И ПРИПАМИРЬЕ В 30-Х ГОДАХ ХХ ВЕКА: ЗНАЧЕНИЕ И ОСОБЕННОСТИ

SCIENTIFIC EXPEDITIONS TO THE PAMIR AND THE PAMIR REGION IN THE 30S. XX
CENTURY. AS INTEGRATED RESEARCH ENTERPRISES: SIGNIFICANCE AND
CHARACTERISTICS

Н.Кенжаева¹

¹ Н.Кенжаева

— Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институту таянч докторанти.

Аннотация

Мақола ХХ асрнинг 30-йилларида СССР Фанлар Академияси илмий экспедицияларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга багишиланган. Бу экспедициялар тор йўналишили эмас, балки комплекс хусусият касб этган. Кўлгина муаммоларни тадқиқ этган ва комплекс вазифаларни ҳал этганини ёритиб берилган. Тадқиқот иши архив материаллари ва экспедиция иштирокчиларининг илмий ишлари асосида амалга оширилди.

Аннотация

Статья посвящена анализу особенностей и характерных черт научных экспедиций АН СССР в 30-е гг. ХХ в. Показано, что эти экспедиции носили не узконаправленный характер, а были комплексными, т.е. изучали многочисленные проблемы и решали целый комплекс задач. Исследование осуществлено на основе архивных материалов и трудов участников экспедиций.

Annotation

The article analyzes the features and characteristics of scientific expeditions of the USSR Academy of Sciences in the 30s of the XX century. It is shown that these expeditions were not narrowly focused, but were complex, i.e. they studied numerous problems and solved a whole set of tasks. The research was carried out on the basis of archival materials and works of expedition participants.

Таянч сўз ва иборалар: Тоҷикистон, Помир, комплекс экспедициялар, биринчи беш йиллик, СССР ФА, Н.П.Горбунов, А.Е.Ферсман.

Ключевые слова и выражения: Таджикистан, Памир, комплексные экспедиции, первая пятилетка, АН СССР, Н.П.Горбунов, А.Е.Ферсман.

Keywords and expressions: Tajikistan, Pamir, complex expeditions, the first five-year plan, USSR Academy of Sciences, N. P.Gorbunov, A. E.Fersman.

1929 йилда Тоҷикистон ССРнинг Ўзбекистон ССР таркибида Тоҷикистон автоном республикасига айлантирилганидан сўнг, дастлабки беш йиллика (1928-1933 й.й.) Тоҷикистон ишлаб чиқариш кучларини режали комплекс ўрганиш бошланди. 1932 йилда ташкил этилган Тоҷикистон комплекс экспедицияси ишлаб чиқариш кучларини ҳар томонлама комплекс тадқиқ этишини бошлаб берди. Тарихшуносликда юқорида қайд этилган ва бошқа экспедициялар комплекс тарзда ташкил этилганлиги ҳақида тилга олинади [1,87]. Уларнинг комплекслилик хусусияти қўйидаги уч хиллик билан тавсифланади: бир нечта муаммолилик; экспедицияларни ташкил этишда ва амалга оширишда маҳаллий илмий кучларни жалб

этиш билан мамлакат етакчи муассасаларининг биргаликда иштирок этиши; фундаментал ва амалий ишларни биргаликда олиб боришлилилк.

Комплекс экспедицияларга оид тадқиқотларнинг хусусиятига берилган фикрларга иқорор бўлган ҳолда, шуни қайд этиш лозимки, юқорида тилга олинган Е.О.Шагаловнинг ишида, илмий фаолиятни ташкил этишнинг самарали шакли сифатида Тоҷикистон комплекс экспедицияси (ТКЭ) ва Тоҷикистон-Помир экспедицияларининг (ТПЭ) комплекслилик хусусияти етарлича очиб берилмаган. Бундан ташқари, экспедицияга оид фаолиятнинг комплекслилик тушунчаси нуқтаи

назаримизга кўра, тўла ёритиб беришни талаб этади.

Совет Иттифоқида дастлабки беш йиллиқдан (1928-1933 й.й.) бошлаб, илмий фаолиятнинг кўламини кенгайтириш, илмий тадқиқотларни режалаштириш ғояси амалиётга татбиқ этилди. Урушга қадар беш йиллик мобайнида фаннинг экстенсив ривожланиши шароитида экспедиция фаолиятига катта эътибор қаратиди. Экспедиция хусусияти ва мазмунидан келиб чиқкан ҳолда, академик А.Е.Ферсман шундай ёзади, ҳозирги кунда экспедиция фаолияти совет хўжалигининг янги шакли учун ўта муҳим ва зарур. Шунингдек, ҳаёт тарзини янгича шаклда яхшилаш учун ҳам аҳамиятлидир [2,1-2].

Экспедиция фаолияти ривожланишининг муҳим шарти, илмий кучларни ҳамма жойда кенг қўллашни, бинобарин, экспедициялар сонининг кўпайиб боришини талаб этди. Экспедициялар узоқ вақт ва катта маблағларни талаб қиласидиган илмий кучларнинг ўзлаштирилиши ва доимий муассасасини барпо этилишини кутмасдан, айрим худудларда мамлакат илмий кучларидан кенг ва моҳирона фойдаланиш имконини берди.

Экспедиция фаолиятининг комплекслилик тушунчасига тавсиф берган СССРдаги дастлабки олимлардан бири А.Е.Ферсман бўлиб, у комплекс экспедициялар тушунчасини, битта ва ўша маршрут йўналиши бўйлаб ҳаракат қилувчи турли хил мутахассислардан ташкил топган умумий бир отряд бўлиб тадқиқот ишлари билан шуғулланиши назарда тутади. Мазкур тушунча нотўғри бўлиб, академик экспедицияга оид тадқиқот ишларининг тажрибаси шуни кўрсатди, комплекслилик нафақат ҳамкорликда ишлашни балки бир-бирлари ўзаро келишилган, умумий дастур бўйича фаолият олиб боришни ўз ичига олади.

Комплекс экспедицияларга оид ғоя - Совет Иттифоқи хукумати учун фавқулодда муҳим ва ўта аҳамиятга эга бўлган ғоя эди; бу ҳали тўла англаб етилмаган бўлиши ҳам мумкин эди, аммо бунга мамлакат худудининг барча кам ўрганилган ўлкалари билан илмий ўзлаштириш муаммоси қўйилган, мамлакатнинг кейинги ривожланиши учун илмий базани барпо этиш ғоясини ҳам ўз ичига олди [3,66].

Кейинчалик А.Е.Ферсман экспедицияларнинг комплекслилик хусусияти мамлакат йирик худудларининг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш учун илмий ишларни ташкил этишнинг оқилона шаклларидан бири эканлигини эътироф этди. Айнан беш йиллик режанинг (1928-1933 й.й.) бошларида Совет Иттифоқи хукумати манфаатларини таъминлашга илм-фанни жалб этиш сезиларли даражада ошиб, илмий экспедициялар ишида комплекслиникнинг аҳамияти ортди.

“Экспедицияга оид фаолият,- деб ҳисоблайди А.Е.Ферсман, - мамлакат ишлаб чиқариш кучларини аниқлаш ва ўрганишнинг энг муҳим ва долзарб услубларидан бири; ўзининг вазифаларига кўра – янги усусларда мамлакат умумий қурилишининг бир қисми, фаолият шакллари бўйича – табиатга ва унинг бойликларига илмий ёндошувнинг янги муҳим методи, сўнгги мақсадлар бўйича эса – мамлакатни билиш ва унинг соҳаларига ўзаро муносабатни намоён этади” [4,2.].

Экспедиция фаолиятининг комплекслилик тушунчаси, жамият ҳаётида илм-фан ролининг ошиб боришига сабаб бўлган фаолият сифатида, мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш вазифалари билан уларни ўзлаштириш ва фойдаланиши бирга олиб боришни назарда тутади.

Ушбу умумий комплекслилик тамойиллари Тожикистон комплекс ва ундан кейинги экспедициялар фаолиятига асос бўлди. “Экспедициянинг вазифаси, - унинг ҳисоботига кириш қисмida қисқача шундай таъкидланади: Иккинчи беш йиллик режада (1933-1937 й.й.) Тожикистон ССР ишлаб чиқариш кучларидан энг яхши фойдаланиш мақсадида уларни тадқиқ этиш зарур[5,6.]” шундай экан, экспедицияга оид комплекслиникнинг муҳим белгиларидан бири, ўтган даврларда қабул қилинганидек, ишлаб чиқариш кучларининг географик тавсифи нуқтаи назари билангина ўрганибгина қолмасдан, энг муҳими улардан кейинчалик ҳалқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш ҳисобланади.

Тожикистонда ҳар йили амалга ошириладиган йирик экспедицияларнинг вазифаларини белгилашда (1932-1937), биринчи навбатда, уларнинг назарий ва амалий вазифалари аниқланди.

ТАРИХ

Республика хукумати, 1932 йилда ташкил этилган ТКЭ ташкилотчиларидан “назарий тадқиқот ишлари билан бир қаторда республиканинг гидроэнергетик ресурсларини ўрганишни, оғир ва енгил саноатнинг хом ашё базасини аниқлашни, шунингдек, қишлоқ хўжалиги муаммоларини ҳал этишни” назарда тутишни сўради [6,6.].

1933 йил Тожикистон-Помир экспедицияси Шимолий геологик бўлими бошлиғи С. Ф. Соседко “Тожикистон коммунистлари” газетаси мухбери билан бўлган сұхбатда шундай деди: “амалга оширилган кашфиётларнинг аҳамияти жуда катта. Мазкур кашфиётлар шундан гувоҳлик берадики, Исфара, шунингдек қисман Конибодом туманлари, нодир ва камёб полиметаллар заҳираларига бой бўлиб, Қорамозор комбинати учун хомашё етказиб берувчи йирик саноат базасига айланиши учун етарлича асосларга эга” [7.].

Экспедициянинг бошқа отрядлари ишларида ҳам шунга ўхшаш тамойиллардан фойдаланилди. Гидрология ва гидроэнергетика масалаларини ўрганиш бўйича “кенг маънода экспедициянинг вазифаси ирригация ва энергетика иншоотларни лойиҳалаштириш учун зарур бўлган дастлабки мъълумотларни олиш учун Заравшон (Пенжикентдан Обурдонгача) гидрологиясини ўрганишдан иборат бўлди” [8,11.].

Шундай қилиб, экспедиция комплекслигининг аҳамияти бир вақтнинг ўзида назарий ва амалий тадқиқотларни ўз ичига олиб, олинган натижалар режалаштиришда, лойиҳалаштиришда ёки инсон фаолияти ижодкорлигининг бошқа кўринишларида фойдаланиш мумкин.

Экспедициялар фаолиятида назарий ва амалий вазифаларнинг қўйилиши уларнинг комплекслилик характеристини белгилаб беради. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболларини ўрганиш каби ишларнинг йўналишлари хусусида гапирмаса ҳам бўлади. Бу ерда ишнинг амалий хусусияти пахтчилик, мевачилик, чорвачилик ва лалмикорлик дехқончилиги муаммолари билан аниқланди [9.]. Баъзи ҳолларда, тадқиқот хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, комплекслилик тушунчаси амалий тадқиқотлар устидан фундаментал ишларнинг устунлигини, бошқа ҳолларда эса, аксинча, назарий жиҳатдан

амалий ишланмаларнинг устунлигини билдириди.

Тожикистонда комплекс экспедициялар фаолияти Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича кенгашнинг (СОПС) тузилиши мобайнида белгиланган умумиттифок тенденциялари асосида ташкил этилди. Унинг биринчи раиси, академик И. М. Губкин таъкидлаганидек, “... Ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш улар жойлашган табиий мухитдаги табиат бойликларини, хисобга олиш, инсон эҳтиёжлари учун фойдаланиш йўллари ва воситаларини аниқлашни ўз ичига олади” [10,3.]. Бу ҳар бир экспедицияни ташкил этишда ва асосий муаммоларни белгилашда хисобга олинди. “1933 йилда Тожикистон-Помир экспедицияси ҳудудий белгилар бўйича ишларни ташкил этиб, барча саъй-ҳаракатларини оғир саноат муаммоларини ҳал этишга қаратди” [11,3.].

1934 йилда “Тожикистон-Помир экспедицияси фаолияти кенгайиб, Ўрта Осиёнинг Жануби-Шарқий қисмидаги тоғ бойликларини ва ўлкани саноатлаштириш учун асосий таъминот манбаи сифатида унинг энергетика ресурсларини аниқлашга эътибор қаратди” [12,3]. Бундай ҳолларда ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш, аниқлаш, хисобга олиш ва улардан фойдаланиш каби бир-бири билан ўзаро боғлиқ вазифалар ва изчил ҳал қилинадиган комплекслилик хусусиятига катта эътибор берилди. Шунинг учун ҳам комплекс экспедицияларда, илмий-тадқиқот институтлари билан бир қаторда, саноат ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ва турли соҳа вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз ихтисосликлари бўйича вазифаларни ҳал қилди.

Мазкур муносабатда, Тожикистон комплекс экспедицияси ва Тожикистон-Помир экспедициясининг таркиби ўзига хосликни ташкил этди. Унинг таркибига кўпгина илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа муассасалар кирган. Масалан, Ишлаб чиқариш кучларни ўрганиш бўйича кенгаш, СССР Фанлар Академиясининг Тожикистон базаси, математика бўлими, табиий фанлар, ижтимоий фанлар, Биология ассоциацияси, Зоология институти, Умумий кимё лабораторияси, СССР Фанлар Академиясининг биокимё ва ўсимликлар физиологияси лабораторияси, СССР Фанлар

Академияси Геология ассоциацияси, Антропология ва этнография институти, Тупроқшунослик институти, Стеклова номидаги Физика-математика институти, Энергетика институти ва СССР Фанлар Академиясининг бошқа илмий муассасалари. Экспедиция ишларида соҳа муассасалари:

Бутуниттифоқ ўсимлиқшунослик институти, Бутуниттифоқ чорвачилик институти, Геофизика Бош обсерваторияси, Бактериология институти, РСФСР Гипрогор [13.], Гипроруда [14.], Тоғкон институти, Гидрология давлат институти, Амалий минералогия институти, Нефть институти, Марказий Осиё гидроэлектр лойиҳаси институти, Иссиқлик энергияси лойиҳаси институти, Транспорт Академияси ва бошқалар иштирок этди.

Йирик комплекс экспедицияларни ташкил этишнинг мазкур тамоилии унинг иштирокчиларини нафақат фундаментал фан муаммоларини ҳал этишгагина эмас, балки аникланган табиий ва хом ашё ресурсларининг келгусида қайта ишлашга ҳам эътибор қаратиш имконини берди.

“Худудни ўрганиш тадқиқотнинг комплекс усули тамоилии бўйича олиб борилди, мақсад ўрганилаётган ҳудуднинг барча табиий бойликларини ва энергия манбаларини ҳар томонлама тадқиқ этиш бўлди” [15,11.]. Отрядларнинг соҳага оид ихтисослашуви йирик экспедиция кўламида иложи борича катта комплекс масалаларни камраб олиши зарур эди.

Мазкур экспедицияларга узоқ йиллар раҳбарлик қилган Н.П.Горбунов, экспедиция таркибига илмий-тадқиқот ва бошқа илмий муассасаларни бирлаштириш асосида экспедицияларнинг комплекс йўналишини аниқлади. “Барча отрядлар ишда илмий ҳамкорлик ва ягона режалаштириш асосида яхлит ўзаро уйғунлиқда фаолиятга киришди” [16.]. Н.П.Горбуновнинг фикрига кўра, комплекс тадқиқотларни амалга ошириш, йирик илмий ва ҳалқ ҳўжалиги муаммоларини ҳал қилиш учун отрядлар ва олимларнинг саъй-харакатларини бирлаштириш имконини берди. “Тожикистон комплекс экспедициясининг умумий мақсади, - деб қайд этади у, - Тожикистон ишлаб чиқариш кучларини ўзлаштириш бўйича беш йиллик режаларни тузиш учун илмий асосни бериш” [17.].

1933 йилда Тожикистон-Помир экспедицияси томонидан олиб борилган ишлар кўлами бу борада ўзига хос аҳамиятга эга. Минерал хомашёлар бўйича саноат-иқтисодий бригада, ранги metalllar кимёвий ишлаб чиқариш ва саноатнинг ҳамкор тармоқлари қўйидагиларни амалга ошириши зарур эди:

а) минерал ресурслардан фойдаланиш хусусан, электр сигими ишлаб чиқариш соҳасида иккинчи беш йилликда (1933-1937 й.й.) Тожикистон саноат қурилиши ҳажми ва умумий йўналишини аниқлаш;

б) алоҳида саноат мажмуаларининг умумий контурлари ва тахминий техник кўрсаткичларини белгилаш;

в) ҳалқ ҳўжалигига катта аҳамиятга эга бўлган объектларда саноат қидирув ишларини ривожлантириш ва синов ишларини йўлга қўйишни ташкил этиш;

г) иккинчи беш йиллик (1933-1937 й.й.) режадан ташқари саноатни ўзлаштириш учун алоҳида институтларнинг геологик-разведка, илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган, геологик-иқтисодий муаммоларни аниқлаш

д) эришилган натижаларга ҳалқ ҳўжалиги аҳамиятига кўра баҳо бериш [18.].

Экспедициянинг вазифаси нафақат республиканинг табиий бойликларини ўрганиш, балки улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, қазиб олинаётган рудаларни, айниқса нодир металларни ўз ичига олган рудаларни қазиб олиш технологиясини келгусида аниқлаш учун қатор конларни синовдан ўтказиш эди.

Тожикистон комплекс экспедицияси ва Тожикистон-Помир экспедицияси фаолиятининг комплекслилек хусусияти, фундаментал тадқиқотлардан тортиб, то қазиб олиш, қайта ишлов беришгача амалга оширилган тадқиқотлари табиий ва хомашё ресурсларини ўзлаштиришни жадаллаштириди. Республикада янги саноат тармоқларининг ривожланиши, тадқиқотлар билан бирга бир вақтнинг ўзида хомашё ресурсларини ўзлаштириш ва ҳалқ ҳўжалигига татбиқ этиш вазифаларини ҳал этиш имконини берди.

1935 йил Тожикистон-Помир экспедицияси ишлари, 1934 йилда амалга оширилган тадқиқот натижаларини давом эттириб, Тожикистоннинг катта майдонида фойдали қазилмаларни қидириш ишларини

ТАРИХ

қамраб олди. Бир томондан олдин аниқланган объектларда разведка қилиш, синов ишларини амалга ошириш билан, иккинчи томондан эса, катта мақсадга мувофиқлиги ва ихтисослашуви туфайли қидирув ишлари кўламини маълум даражада чеклаш билан характерланди.

Саноат объектларининг тадқиқот доирасини аниқлашда асосий тамойил, йирик комплекс ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳа муаммоларининг аҳамиятини ўртага ташлаш ва давлат томонидан қўйилган энг муҳим вазифаларни бажаришга ёрдам бериши лозим эди [19,13-14].

1937 йил 25 февралда СССР Фанлар Академияси президенти В.Л.Комаров раислигига оғир саноат халқ комиссарларининг қатор вакиллари билан Фанлар Академиясининг президиум йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда СССР Фанлар Академиясининг зарурӣ котиби ва Тожикистон-Помир экспедицияси бошлиғи Н.П.Горбуновнинг экспедиция ишларининг натижалари ва 1937 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар тўғрисидаги маъruzаси муҳокама этилди [20.].

Экспедициянинг Тожикистон ва Помирни геологик тадқиқ этиш бўйича олиб борган ишлари айниқса, кўпгина фойдаланишига қазилма конларининг очилиши ва уларнинг катта қисмини саноатга фойдаланишга берилганилиги билан энг муҳим деб тан олинди.

Экспедициялар ишида назарий, амалий ва ишлаб чиқариш вазифаларининг бир вақтда олиб борилиши, мисли кўрилмаган илмий ва халқ хўжалигига оид катта натижаларни беришни таъминлади. Йирик комплекс экспедициялар Тожикистон ишлаб чиқариш кучларини ўрганишни тезлаштиришга, амалга оширилган тадқиқотларнинг дастлабки натижаларини қисқа муддат ичida сарҳисоб қилишга ва ҳар йили экспедиция илмий ишларини нашр қилдиришга имкон берди.

Экспедицияларнинг режалаштирилиши ва комплекс хусусияти белгиланган вазифаларни самарали ҳал этиш, куч ва воситаларни илм-фан ва амалиётнинг долзарб масалаларини биринчи ўринда ечиш имконини берди. Шу билан бирга,

экспедицияларда алоҳида отряд ва гурухларнинг тор ихтисослашуви амалга оширилди.

А.Е.Ферсман, Д.И.Щербаков, Н.П.Горбунов, Д.В.Наливкин ва бошқа етакчи мутахассислар томонидан бошқарилган йирик комплекс экспедициялар, экспедиция илмий кенгаши таркибида бўлган кўп сонли илмий ходимларни бирлаштириди.

Маҳаллий бошланғич илмий ташкилотларининг ТКЭ ва ТПЭ ишларида иштирок этиши, уларнинг умумиттифоқ аҳамиятига эга илмий-тадқиқот ишларига тезкор қўшилишини таъминлади ва Тожикистоннинг кичик илмий муассасаларини тадқиқот институтларига айлантиришни жадаллаштириди. Улардан баъзилари, Зоология ва паразитология институти, Ботаника институти, Геология институти 1940 йилда ташкил этилган бўлиб, экспедицияларнинг тегишли отрядлари томонидан ўртага ташланган илмий муаммолар устида ишлашни давом эттириди.

СССР ФА Тожикистон илмий-тадқиқот базаси ва бошқа маҳаллий муассасаларнинг экспедиция ишларига жалб этилиши, республикада экспедиция ва стационар ишлар ўртасида узвийликни ривожлантиришни таъминлади. Марказий ва республика илмий муассасалари ўртасида ўзаро мувофиқлаштиришга асос солди.

СССР шароитида мамлакатнинг марказий илмий муассасалари томонидан йирик комплекс экспедицияларни ташкил этиш ва уларда етакчи олимларнинг иштироқи, ишлаб чиқариш кучларини комплекс ўрганиш учун ўзининг доимий илмий муассасаларига ва юқори малакали илмий кадрларига эга бўлмаган ёки етарли бўлмаган миллий республикаларда ишлаб чиқариш кучларини жадал ўрганиш ва улардан фойдаланишни таъминлади.

Натижада, 30-йилларда комплекс экспедициялар СССРнинг айrim республикаларида амалга оширилгани каби, бутун мамлакат буйлаб, табиий ва хомашё ресурсларини ўрганишнинг энг самарали шакли бўлди. Мазкур экспедициялар Совет иттифоқ ҳукумати томонидан собиқ СССР республикаларида жойлашган ресурсларидан мунтазам, комплекс фойдаланиш учун мустаҳкам асос бўлди.